

**Мавзу: Дехқон ва фермер хўжаликларининг
ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор
бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар**

РЕЖА:

- 1. Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар.**
- 2. Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларни келтириб чиқувчи сабаблар**

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР:

Асосий адабиётлар:

1. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
2. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
3. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
4. Mirzaabdullaeva M.R., Muqimov A., Xafizova Z.X. Yer huquqi. O'quv qo'llanma. - Т.: TIMI, 2016, – 202 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
2. Земельное право республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбева. –Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
3. Ерофеев Б.В. Земелное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
4. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Адолат, 1998

Интернет ва Зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. <http:// zakon. rin. ru>

Маърузанинг технологик ҳаритаси

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 10 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 60 дақиқа	2.1.Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар) Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2.3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.	Ўқийдилар Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қарагади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони 84</i>	9-Мавзу, 4-маъруза 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	<p>1. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар.</p> <p>2. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларни келтириб чиқувчи сабаблар</p>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i>	Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида тасаввурни шакллантириш
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<p>1. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида маълумотлар бериш</p> <p>2. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларни келтириб чиқувчи сабаблар тўғрисида маълумотлар бериш</p>	<p>1. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида маълумотларга эга бўлади.</p> <p>2. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларни келтириб чиқувчи сабаблар тўғрисида маълумотларга эга бўлади.</p>
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Визуал маъруза, намойиш, ақлий хужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, тақдимот материаллари.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, коллектив иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5199 сонли фармони эълон қилинди.

Фармон матнида Ўзбекистон фермерлари кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмаётгани, аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолаётгани, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмагани, фермер хўжалиklarининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолаётгани, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётгани, фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек фермер хўжалиklарида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани таъкидлаб ўтилган.

Фармонда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳозирги босқичдаги устувор йўналишлари белгилаб берилган:

.Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

.Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, бу борада парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини яратиш;

- Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;
- Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини кучайтириш;
- Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш;
- «Томорқа – қўшимча даромад манбаи!» шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш;
- Ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер хўжаликларининг меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.

2018 йил ҳосилидан бошлаб жорий этиладиган тартибга кўра, фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилади. Ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказди ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантиради; 2018-2021 йилларда фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқулланган ва 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши белгиланган.

Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларига тақдим этиладиган «**Илғор фермер**», «**Меҳнаткаш деҳқон**» ва «**Намунали томорқачи**» кўкрак нишонлари таъсис этилмоқда.


Ўзбекистон
Республикасининг
жиноят ЖИНОЯТ
кодекси.doc кодекси

Дехқон ва фермер
хўжаликларининг
ер участкаларига
бўлган ҳуқуқларни
бекор қилувчи
манбалар

Ўзбекистон
Республикаси
нинг
маъмурий
жавобгарлик
тўғрисида
кодекси
(7-8 боб)

Ўзбекистон
Республикаси Ер
кодекси

Қонун ости
ҳужжатлари



Деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

Ҳуқуқларнинг бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳуқуқий оқибатлар

эгалликдаги, ижарадаги ер участкаларини тегишли тартибда кайтариб бериш натижасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг бекор бўлиши

деҳқон ва фермер хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиши ва бошқалар

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

**Қонунчиликда
белгиланган ҳуқуқларнинг
бекор бўлиш асослари ва
тартиби**

**биринчи ҳолат-
қонуний асосларда
вужудга келган
ҳуқуқларга**

**иккинчи ҳолат-
ноқонуний асосларда
вужудга келган
ҳуқуқларга**

Деҳқон хўжалигининг томорқа - ер участкаларига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор бўлиши мумкин (Д/Х 27-моддаси)

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса

томорқа ер участкаларига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда

томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда

белгиланган солиқлар муттасил тўланмаганда

агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, янги берилган томорқа - ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришилмаган тақдирда;

деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда

Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

Юқорида келтирилган ҳолатлар нафақат томорқа - ер участкасига нисбатан ҳуқуқларнинг бекор қилинишига, балки дехқон хўжалиги фаолиятининг тугатилишига ҳам олиб келади (ушбу ҳолатлар дехқон хўжалиги фаолиятини тўхтатиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади).

Маълумки, дехқон хўжалиги юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган дехқон хўжалиги қишлоқ, хўжалиги корхонаси ҳисобланади. Қонунчиликда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун эътироф этилган қоидалар дехқон хўжалиги учун ҳам татбиқ этилади. Демак, дехқон хўжалиги ҳам банкрот деб топилиши мумкин. Хўш, дехқон хўжалиги банкрот деб топилган ҳолларда дехқон хўжалигини томорқа - ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг тақдири нима бўлади? Дехқон хўжалигининг банкрот деб топилиши дехқон хўжалиги фаолиятининг тугатилишига олиб келиб, томорқа ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг бекор бўлишига асос бўлади.

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

Фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқлари ер участкаси ижараси шартномасининг бекор қилиниши муносабати билан бекор бўлади. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тугрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли Қарорига 3-иловада белгиланишича, ер участкасига оид ижара шартномаси куйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- **тарафларнинг келишувига кўра ёки томонлар келишилмаган тақдирда суд томонидан.** Тарафларнинг келишуви қонунга зид бўлмаган, ҳуқуқий муносабат бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўрикланадиган манфаатларига зарар этказиши мумкин бўлмаган ҳолларда ижара шартномаси бекор бўлиши мумкин. Тарафлар ўзаро келишувга эриша олмасалар ўртадаги низо қонун асосида ва иш ҳолатларига кўра суд томонидан ҳал этилади. Бу турдаги низолар Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 24-моддасига мувофиқ хўжалик судларининг судловига тааллуқлидир;

Фермер хўжалигининг ер участкасига оид ижара шартномаси кўйидаги ҳолларда бекор бўлади (Ф.Х. 32-моддаси)

тарафларнинг келишувига кўра ёки томонлар келишилмаган тақдирда суд томонидан.

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан иктиёрий воз кечилганда.

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса

ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда. “

ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаганда

Фермер хўжалигининг ер участкасига оид ижара шартномаси кўйидаги ҳолларда бекор бўлади (Ф.Х. 32-моддаси)

ер участкаси белгиланган тартибда олиб кўйилганда.

фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда

ижара ҳақи белгиланган муддатларда муттасил тўланмаганда

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда.

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларни келтириб чиқувчи сабаблар

- ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан иктиёрий воз кечилганда. Бу тартибда ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқларининг бекор бўлиши учун бир қатор талабларга риоя этиш лозим бўлади, хусусан, **биринчидан**, бундай воз кечиш давлат, жамоат ва алоҳида шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар этказмаслиги, **иккинчидан**, воз кечиш ҳақиқатда ихтиёрий бўлиши лозим. Агар ер участкаси ижараси шартномасидан воз кечиш давлат, жамоат ва алоҳида шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар этказадиган бўлса (масалан, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, кредиторлар олдидаги мажбуриятларидан қочиш мақсадида ва бошқалар) ёки ихтиёрий воз кечилишига четдан ғайриқонуний таъсир туфайли еришилган бўлса, ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқлари бекор бўлган деб ҳисобланмайди ва ҳуқуқий муносабатлар давом этаверади;

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларни келтириб чиқувчи сабаб лар

- хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса. Маълумки, фермер хўжалиги бошлиғи вафот этса ёки меҳнатга яроқлилик қобилиятини йўқотса, хўжалик фаолиятини давом эттириш масаласи қайта кўриб чиқилади. Агар фермер хўжалиги фаолиятини давом эттириш масаласи ижобий ҳал этилса (фермер хўжалиги аъзоларининг келишуви асосида хўжалик фаолиятини давом эттириш истагини билдирган хўжалик аъзоси булса), ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқлари мерос тариқасида ўтади. Агар хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхур қолмаган булса, ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқлари бекор бўлади. Бу ўринда ворислик масаласида алоҳида коида назарда тутилмаганлиги учун муаммо ФКнинг “Ворислик тўғрисидаги умумий қоидалари (5-бўлими) билан ҳал этилади;

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига асос бўладиган ҳолатларни келтириб чиқувчи сабаб лар

- ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда. “Фермер хўжалиги туғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига асосан фермер хўжалиги ер участкасидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш йўлида фойдаланади. Ушбу фаолият икки ихтисосликда амалга оширилиши мумкин: чорвачилик маҳсулотларини ёки деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш. Юқоридаги тартибдан четга чиқиш ер участкасидан фойдаланишнинг белгиланган мақсадидан четга чиқиш ҳисобланади. Табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли ер участкасидан муттасил равишда уч йил мобайнида ҳосилдорликнинг норматив кадастр баҳосидан паст бўлиши ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқининг бекор бўлишига олиб келмайди;

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

- ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаганда. Ер кодексининг 53-моддаси 4-бандида фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши белгиланган. Ижара шартномаси амал қилиб турган муддат давомида тарафлар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан ҳуқуқий алоқада бўлишади. Ижара муддатининг тугаши билан тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ўзининг ҳуқуқий хусусиятини йўқотади (низолашилаётган ҳолатлар бундан мустасно). Ижара муддатининг тугаши ижара шартномасининг ҳамда ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқларининг бекор бўлишига олиб келади. Маълумки, ижара шартномасининг муддати тарафлар томонидан қонун назарда тутган доирада белгиланади. Савол туғилади, хўш ижара муддати узайтирилиши ёки камайтирилиши мумкинми? Ижара муддати узайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Узайтирилган муддат эллик йилдан ортиқ бўлиши, камайтирилган муддат эса ўттиз йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Муддатни узайтириш ёки камайтириш тарафларнинг келишувига кўра, бундай келишувга эришилмаган тақдирда суд томонидан ҳал этилиши мумкин;

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

- ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда. Фермер хўжалигининг ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқлари бекор бўлишининг бир асоси сифатида ер участкасини олиб қўйиш Ер кодексининг 38-моддасига асосан амалга оширилади. Бинобарин, ер участкасини олиб қўйиш учун асос бўлган ҳолатлар мавжуд бўлганда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантиргандан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради. Олиб қўйиш **икки** ҳолатга кўра қўлланилади. **Биринчи**, ер участкаси қонуний олинган ҳолларда, **иккинчиси**, ер участкаси ноқонуний эгаллаб олинган ҳолларда;

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

- фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда. Фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш 1998 йил 28 августда қабул қилинган ва 1 ноябрдан бошлаб кучга киритилган “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 105-106-моддалари ва “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган қонуни билан амалга оширилади. “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 105-моддасига асосан, қишлоқ хўжалиги корхонаси сифатида фермер хўжалигининг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш қўзғатилгунга қадар унга нисбатан “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси қонунида белгиланган тартибда судгача санация қўлланиши мумкин.

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

Фермер хўжалиги банкротлик оқибатида тугатилган деб эълон қилиниши факти унга берилган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқлари бекор бўлиши учун асос бўлади. Фермер хўжалигини банкрот деб топиш тўғрисидаги хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинган бўлади;

- **ижара ҳақи белгиланган муддатларда муттасил тўланмаганда.** “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ туман бюджетига киритиладиган ҳар ягона ер солиғи тариқасида унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланади. Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади. Ижара ҳақини муттасил тўламаслик деганда йил давомида узлуксиз тўламаслик тушунилади;

Деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

- фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда. Ушбу асосларни қўллаган ҳолда ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқларининг бекор қилинишида қонун бузилишига олиб келган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни келтириб чиқарган оқибатга баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Чунки кам аҳамиятли ва кўп зарар этишига олиб келмаган ноқонуний ҳаракат учун фермер хўжалигининг ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқларини бекор қилиш нотўғри. Масалан, фермер хўжалиги ўзи этиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экологияга, санитарияга оид қоидаларга риоя этиши шарт. Агар ушбу қоидаларга риоя этмаслик оғир оқибатларни (кишиларнинг касалланиши, ҳайвонот ва ўсимлик турларининг йўқолиши хавфини келтириб чиқарса, юқумли касалликларнинг тарқалишига олиб келса ёки бундай хавфни келтириб чиқарса ва бошқа шу каби оқибатларни) келтириб чиқарса, ер участкасига нисбатан бўлган ижара ҳуқуқларини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиши шарт;

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

- фермер хўжалиги ер участкаси олинган пайдан эътиборан бир йил мобайнида хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятига киришмаган бўлса. Масалага ойдинлик киритишдан олдин баъзи ҳолатларни белгилаб олиш лозим. Булардан бири ер участкасининг олинганлик вақтидир. Ер кодексининг 31-моддасига кўра «Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади» яъни ер участкаси олинган ҳисобланади. Ушбу вақтдан бошлаб фермер хўжалиги ер участкасида хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятига киришиш имкониятига эга бўлади;

БЛИЦ САВОЛЛАР

1. Деҳқон хўжалиги тушунчаси нимани англатади?
2. Деҳқон хўжалиги учун ерлар қаердан берилади?
3. Фермер хўжалиги тушунчаси нимани англатади?
4. Фермер хўжалиги хўжалиги учун ерлар қаердан берилади?
5. Деҳқон ва фермер хўжалиги қандай тартибда ташкил этилади?
6. Қайси ҳолатларда деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинади?